

В. ИРВИНГ “РИП ВАН ВИНКЛ” ҲИКОЯСИНING БАДИИЙ ТАСВИР ВОСИТАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

С. Расулова¹

Аннотация:

Ушбу мақолада Вашингтон Ирвинг ҳикояси “Рип Ван Винкл” да фойдаланилган бадий тасвир ва ифода воситаларининг таҳлили хусусида сўз боради. Ҳикоядаги образларнинг ҳис-туйғу ва кечинмаларини ифодаладиган мисоллар орқали кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: романтизм, тил воситалари, сатираб юмор, киноя.

doi: <https://doi.org/10.2024/zcrcg794>

Ўлкани инсонийлаштириш, унга ном ва қиёфа бахш этиш ва афсоналар яратиш бобида ҳеч ким ёзувчи Вашингтон Ирвингга тенг кела олмаган. Қаҳрамони йигирма йил мобайнида ухлаб ётган, уйғониб эса коллониялар мустақил мақом олганини кўрган “Рип Ван Винкл” қиссаси том маънода фольклорга айланган. У саҳналаштирилган, оғзаки анъанага ўтган, америкаликларнинг кейинги авлодлари томонидан асл Америка афсонаси тариқасида қабул қилинган. Вашингтон Ирвинг бутун адабий асарларида фикрлаш тарзини ифодалайди. Асарлари орқали Америка ҳақиқатини вазиятларни бош қаҳрамон орқали очиб беради.

Ирвинг энди вужудга келган янги давлатнинг тарих ҳиссиётини кашф этиб, уни қондиришга кўмаклашди. Тарих шуурини зухур топтириб, унга йўлланма, қиёфа ва ҳаёт ато этган қатор асарлари янги давлат руҳини барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар тариқасида кўрилиши мумкин. Асарларнинг мавзуи сифатида Америка тарихининг энг фожиали жиҳатларини танлади. Булар янги дунёнинг кашф этилиши, биринчи президенти ва халқ қаҳрамони, ғарб томон силжиш шулар жумласидандир.

Рип Ван Винклнинг дангасалигини тасвирлашда муболаға қўлланган.

Rip Van Winkle, however, was one of those happy mortals, of foolish, well-oiled dispositions, who take the world easy, eat white bread or brown, whichever can be got with least thought or trouble, and would rather starve on a penny than work for a round.

Маъноси:

Меҳнатининг оғир ё енгиллигига қараб, кишига оқ нон ё қора нон ейиш насиб этади. Рип Ван Винкл бунга эътибор бермайдиган, ҳатто меҳнат эвазига фаровон яшагандан кўра қўлни қовуштирганча оч-наҳор ўтиришни афзал биладиган боқи беғам фуқаролар тоифасига мансуб киши эди.

(Тўрабой Искандаров таржимаси)

¹ Расулова Соҳиба, СамДЧТИ мустақил изланувчиси

Парчада Рипнинг дангасалиги кучайтириб тасвирлаган. Турмушни енгил санаши, бекорчи нарсалар билан овора бўлиши, ўйин-кулгиларга меъеридан ортиқ ружу қўйиш одамни дангаса қилиб қўяди. Бу хил бўрттирилган тасвир туфайли ҳаёт ҳақидаги тасаввурини хато эканлиги ифодаланган.

Ван Винкл хонимнинг эрига доимий ғиди-биди қилиши муболаға қилинади.

A termagant wife may, therefore, in some respects, be considered a tolerable blessing; and if so, Rip Van Winkle was thrice blessed.

Маъноси:

Мана шу туфайли ҳам миждов хотинни баъзида фалакнинг илтифоти дея тушуниш мумкин, гар шундай десак, унда Рип Ван Винкл бениҳоя марҳаматга эришган эди.

Қуйидаги парчаларда муболағанинг иғроқ (белги ёки ҳаракатни ақлан ишониш мумкин бўлса ҳам, ҳаётда юз бериши мумкин бўлмаган тарзда кучайтириб тасвирлаш) тури қўлланган:

The opinions of this junto were completely controlled by Nicholas Vedder, a patriarch of the village, and landlord of the inn, at the door of which he took his seat from morning till night, just moving sufficiently to avoid the sun and keep in the shade of a large tree; so that the neighbors could tell the hour by his movements as accurately as by a sundial.

Маъноси:

Бу олий йиғиннинг ижтимоий қарашларига қишлоқнинг отахони ва қаҳвахонанинг эгаси Николас Веддер раҳнамо эди; у эртадан-кечгача қаҳвахона эшиги олдидан жилмас, қуёш кўтарила боргани сари каттакон дарахтдан тушиб турган соя қанча узоқлашса, офтобдан пана бўлиш учун у ҳам шунчалик кўп сурилиб ўтираверганидан қўшнилари унинг ҳаракатини кузатиб, вақтни нақ қуёш соатига қараб билган каби аниқ айтиб бера олишарди.

“a tolerable blessing” – “чидаб бўлмас неъмат”, “thrice blessed” – “бениҳоя марҳаматга эришган” дея Винкл хонимни миждовлиги бениҳоят ютуқ дея Ирвинг муболағанинг ҳажвий тимсоли қиёфасига номутаносиблиги ўқувчида қаҳқаҳали кулги ишкони яратган.

Муболағанинг таблиғ тури қўлланган, ақлан ишониш мумкин бўлган, ҳаётда ҳам юз бериши мумкин бўлган мисол:

In a word Rip was ready to attend to anybody's business but his own;.

Маъноси:

Хулласи калом, ўзгаларнинг ишларини Рип бажонудил бажариб ташлайверардию лекин ўзларининг ишига асло қиё боқмасди:

Ушбу мисолда муболаға юморни келтириб чиққан, ўқувчида қаҳқаҳали кулгини қўзғатади. Маънавий қиёфаси ҳам, хатти-ҳаракати ҳам ниҳоятда кучайтириб тасвирланган.

Муболағанинг учинчи тури ғулувв деб аталади, ақл ҳам бовар қилмайдиган ишониш мумкин бўлмаган, ҳаётда ҳам юз бериши мумкин бўлмайдиган тарзда тасвирланган мисол:

Rip Van Winkle is an amiable farmer who wanders into the Catskill Mountains, where he comes upon a group of dwarfs playing ninepins. Rip accepts their offer of a drink of liquor and promptly falls asleep. When he awakens, 20 years later, he is an old man with a long white beard; the dwarfs are nowhere in sight.

Маъноси:

Мулойим ва соддагина фермер Рип Ван Винкл Каатскиль тоғларида айланиб юрганда, кегли ўйнаётган митти одамлар гуруҳига дуч келди. Рип уларнинг шароб ичиш таклифини қабул қилади ва дарҳол ухлаб қолди. Уйғонганида йигирма йил вақт ўтганди, у узун оқ соқолли чолга айланганди, митти одамлар ҳеч қаерда кўринмасди.

(Таржима бизники Р.С.)

Вашингтон Ирвинг “Рип Ван Винкл” ҳикоясида киноянинг қўлланилиши:

“Rip Van Winkle” is when Rip goes to the new hotel in the town where the inn use to be and returns to find himself surrounded by a group of politician and quotes “loyal subject of the king, God bless him!”

Маъноси:

“Рип Ван Винкл” асарида Рип шаҳарга қайтаётганда янги меҳмонхонага дуч келди, атрофини бир гуруҳ сиёсатчилар ва арбоблар ўраб олганди “Худонинг марҳаматига сазовор бўлгур қиролимизнинг содиқ бир фуоросиман” хитоб қилди Рип.

(Таржима бизники Р.С.)

Ушбу мисолда китобхон инқилоб даври тугаганлигидан хабардор, аммо Рип буни билмайди. Ваҳоланки, бу воқелардан Рипнинг хабари бўлиши керак эди.

Киноя қўлланган мисоллар:

“a sharp tongue is the only edged tool that grows keener with constant use...” – “Аччиқ тил кесувчи асбобларнинг ичида қанча кўп ишлатила борган сари ўтмаслашмасдан аксинча, янада ўткирлаша борадиган ягона асбобдир.” Ушбу парчада, Ван Винкл хонимнинг тили тийилмаслигини тасвирлашда метафоранинг аччиқ кинояси қўлланган, саноатда фойдаланиладиган асбобга ўхшатапти.

“henpecked husband” – “Хотининг қаҳридан зир титраб яшайдиган бечора эр” таржимасини беради. “Рип Ван Винкл” асарини Америка инқилобининг аллегорияси сифатида тушуниш мумкин. Америка мустамлакаларининг Британиянинг ҳаддан ташқари ҳукмронлигидан норозилигини Рипнинг тушкинлиги “хотинига қарши чиқишга ҳеч қачон журъат этолмаган эр” киноясида ифодаланган.

“the fiery furnace of domestic tribulation...” “уйдаги ғурбатларни кўравериб” Рип хотинининг характерини тасвирлашда, киноя қўлланган бу ерда мижғов хотин билан яшайдиган эркакларнинг ҳаётини тасвирлашда анъанавий гендер аёллар ва эркаклар ролларини кулгили тарзда ўзгартиради. “Virtues of patience and long-suffering” to the man and aggressiveness and authoritarianism to the woman. “Эркакка сабр ва узоқ машаққатли дамларга чидамли бўлиш” хусусиятини ва аёлга тажовузкорлик ва авторитаризм” ни акс эттирувчи вазифасини юклайди. Асарда сатира ўтига учраган парчалардир. Тасвирлар аёвсиз кулги остидадир. Жамиятда аёл ҳукмронлиги даври танқид қилиган.

Рип қишлоққа (орадан 20 йил ўтиб) қайтганида “tavern-politicians”, - “сиёсатчилар ва давлат арбоблари”, “rights of citizens – elections” – “фуқороларнинг ҳуқуқлари- сайлов конгресс аъзолари - эркинлик” ҳақида ўзаро кибрили баҳслашаётганлиги ўзига хос сиёсий сатирадир. Асар сўнгида

Америка мустамлакалирига Британия ҳукуматининг зулмини, “the tyranny of Dame Van Winkle” – “Ван Винкл хонимнинг зулми” туфайли ўзининг бошидан кечирган азобларига ўхшатади. Бинобарин бу ўринда мажозий ташбиҳ қўлланган. Шундай қилиб ҳикоячи Британия жирканч сиёсатига – мижғов хотинига, Америка фуқароларини эса тўсатдан шавқатсиз-золимларидан озод бўлган- сабри эрларга қиёслайди. Бу ўринда ҳақиқий ташбиҳ қўлланади.

Сатира қўлланган мисоллар:

Рипнинг орадан йигирма йилдан кейин қайтганда Inn қишлоғида бўлган ўзгаришлардир. Жумладан Inn қишлоғининг қироли Жорж Вашингтон портрети Америка инқилобига ишора қилган Жорж Вашингтон портретига ўзгаради.

Тансиқ ас-сифат, шахсга хос белгилар санъати қўлланган:

Бош қаҳрамон Рип Ван Винкл ва хотинининг хулқ-атворидаги қарама-қаршилиқлар келишмовчиликларга сабаб бўлади. Рип Ван Винклни тафсиқлаш учун ишлатилган иборалар: “a kind neighbour”- “меҳрибон қўшни”, “an obedient (...) husband”- “мўмин-қобил эр”, “meekness of spirit”- “руҳи мулойим”, “obsequious and conciliating” – “итоаткор ва муросасиз” ва “pliant and malleable”- “ғариб-бўшбаёв” гина киши сифатида тасвирланган. Бундан фарқли ўлароқ Винкл хоним қатъий иш ахлоқига риоя қилиш ҳақидаги пуритан (инқилоб даврида Пуритан партияси С. Расулова) мафкурасини ўзида мужассам этган “shrew[s]”- айёр(лар), “termagant wife”- шаллақи хотин сифатида тавсифланади.

Ёзувчи ҳатто Рипнинг севимли ити Қашқир ҳам Винкл хонимдан кўрқилишини сатира қилган:

“(...) The moment Wolf entered the house his crest fell, his tail dropped to the ground, or curled between his legs, (...) casting many a sidelong glance at Dam Van Winkle.”

Маъноси:

У уйга маъюсланиб, думини осилтириб ё қисиб, худди бир жиноят билан қўлга тушгандай бекасига ғилай қарашлар қилганча, пусиб кириб келарди. Бу истехзо матнга янада кулги уйғотади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1]. Ванспенкерен К.Таржимон: Проф. Ҳамидулла Кароматов Америка адабиётининг асослари. – Тошкент: 1994. – Б. 23. – Б. 120.

[2]. М. Маҳмудов ва бошқ. таржимаси.Вашингтон Ирвинг. Ҳикоя ва афсоналар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.8. – Б. 216.

[3]. Обруева, Г. Х. О сдвиге имени собственного в разряд нарицательных слов во фразеологии английского языка. Вестник Челябинского государственного университета, (22), 100-102.

[4]. US literature 18th-19th literature <https://euliteratura.blogspot.com/2016/09/homework-for-october-3-2016-rip-van.html>

[5]. Irony examples in Rip Van Winkle <https://www.owleyes.org/text/rip-van-winkle/analysis/irony>

International Conference

**THE DEVELOPMENT HISTORY AND MODERN SIGNIFICANCE OF INTERCULTURAL
DIALOGUE**

[6]. *Literary irony in Rip Van Winkle* https://www.cram.com/essay/Literary-Irony-In-Rip-Van-Winkle/P3SCP4FNMXZQ#google_vignette

[7]. *S Rasulova . Amerika adabiyotida ilk romantizm prozasining tili va badiiy xususiyatlari - Conference Proceedings: Fostering Your Research ...*, 2024